

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
IYUN
№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
2-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-2**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-2**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Саманова Шахло Бохтияровна	
АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ.....	7
2. Базарбаева Гулжахан Муратбаевна	
ХАЛҚ ИЖРОЧИЛАРИ-ЖИРОВЛАРНИНГ ИЖОД ЙЎЛЛАРИ	10



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ

Саманова Шахло Бохтияровна

Ф.ф.д (PhD). доцент, УрДУ,
shaxloboxtiyarova@gmail.com +99897-453-48-45

Аннотация: Ушбу мақолада ахлоқий тамойиллар, уларнинг тарихий генезиси, турлари ва даражалари, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни масалалари илмий, ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, ахлоқий меъёрларнинг диний, фалсафий илдизлари, уларнинг инсоният тарихий тараққиётига таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ахлоқ, ахлоқий тамойиллар, меъёр, маънавият, маданий муносабатлар, инсонпарварлик, яхшилик, эзгулик, бағрикенглик.

Инсоният тафаккури яратган барча маънавий бойликларнинг мазмун-моҳияти, жамият ижтимоий муносабатларини инсонпарварлаштириш учун яратилган шарт-шароити ва имконияти ахлоқийлик тамойилига, у ёки бу даражада, бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини, функционал аҳамиятини англаш – жамият фалсафий онги ривожланиш даражасини, инсон фалсафий тафаккури салоҳияти кўламини белгилайдиган муҳим мезон даражасига кўтарилган.

Ибтидоий жамиятда турли уруғ-қабилалар, кейинчалик тарихий шаклланган халқлар, элат-миллатлар, мамлакатлар, давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар трансформацияси, уларнинг минг йиллар давомида таркиб топган маънавий қадриятлари, амалий ҳаёт тарзи эволюцияси, ижтимоий бирликларнинг ўзаро муносабатларида ахлоқий тамойиллар борлиқнинг яхлитлиги ва универсаллигини белгиловчи мезон ҳисобланган.

Илгариги тадқиқотларимизда ахлоқий меъёрларнинг таркибий қисми бўлган атроф-муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда экологик толерантлик феноменини ижтимоий-фалсафий асосларига эътибор қаратган эдик. Эндиликда муаммони чуқурроқ таҳлил қилиш ва муқаррар экологик ҳалокатларнинг олдини олишда ҳар бир инсоннинг масъуллиги ахлоқий меъёрларга қатъий риоя қилишга боғлиқ эканлигини тақозо этмоқда.

Умуман, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай тарихий даврда ижтимоий муносабатлар тизимида ахлоқий меъёрларнинг асосий характери хусусияти – жамоавийликда намоён бўлган. Яъни, бир томондан, айнан ибтидоий яшаш ҳаёт тарзи – жамоа субъектларининг ўзаро муносабатлари, ахлоқий меъёрларга эҳтиёжини вужудга келтирган ҳамда бу эҳтиёж ривожланиши натижасида, унинг ҳозирги кўринишлари шаклланган ва ривожланган. Иккинчи томондан, инсоният тарихининг илк босқичларидаёқ, аждодларимизнинг жамоа бўлиб яшаш ҳаёт тарзи, меҳнат тақсимоти, жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари тизими, ахлоқий меъёрлар ҳодисасининг структураси, характериға мос тарзда замонавий ахлоқий меъёрларнинг генезиси, ретроспектив асослари намоён бўлган.

Ахлоқий меъёрларни тарихий илдизлари Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да борлиқнинг 4 моддий асоси – тупроқ, сув, ҳаво, оловнинг муқаддаслаштирилиши ва “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойили ҳамда экологик ахлоқий меъёрларнинг йўналишларини, мазмунини белгилаб берган ва шу билан бирга кишиларда ахлоқий фазилатларини шакллантириш масаласи, доимо жамият ижтимоий онги диққат марказига қўйилган.

“Жамият ва жамият”, “жамият ва инсон”, “инсон ва инсон”, “инсон ва табиат” тизими муносабатларида ахлоқий меъёрлар масалалари жаҳон динлари: буддавийлик, насронийлик ва исломда алоҳида ўрин тутди. Масалан, Ислом динининг муқаддас китоблари: Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифларида инсонлараро муносабатларда (миллати, ирқи ва эътиқодидан



қатъий назар) ахлоқий меъёрлар тамойилига амал қилиш, ҳар бир мусулмоннинг бурчи қилиб белгиланган.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” (№ ПК-5080. 2017 йил 23 июнь)ги Қарорида кўрсатилганидек: “Улуғ аجدодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шухбасиздир”, [1]. деган фикри бевосита ислом динининг ахлоқий меъёрлар ҳодисаси ҳақидаги теологик таълимотига ҳам тааллуқлидир. Чунки, ҳар ҳандай диннинг инсониятни бағрикенгликка, эзгуликка, келажакка умид, шукроналик билан яшашга ўргатиши, унинг ижтимоий функционал моҳияти ва аҳамиятини кўрсатувчи асослардан биридир.

Кишилар ахлоқий сифатларининг заифлашиши, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши, борлиқ компонентлари структурасидаги мувозанатнинг издан чиқиши, айти пайтда акс таъсир кўрсатишига олиб келиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак. Аммо бугунги ижтимоий ривожланиш тенденциялари ушбу компонентлар яъни “инсон-жамият-табиат” ўртасидаги имманент хусусиятларнинг муҳимлиги инсоният тафаккур доирасидан ташқарида қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Инсон ахлоқий меъёрларга эътибор бермаслиги натижада бугунги цивилизациянинг улкан ютуқларидан ўз-ўзини йўқ қилишга қаратилган механизмларни мутлоқлаштирмоқда. Афсуски, борлиқнинг диалектик қонуниятларига бўйсунмаслик инсониятни турли даражадаги ҳалокатларга дучор қилаётганлиги турмуш тарзимизда ахлоқий меъёрларни илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш заруриятини туғдиради.

Ахлоқий меъёрларнинг тарихий генезиси, ретроспектив илдизлари, маълум даврларида мулк ва меҳнат тақсимоотида тенгсизлик, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш, ҳудудий ва этник зиддиятларни бартараф қилиш заруриятини англашига, умуминсоний эҳтиёжга бориб тақалади.

Жамият тарихий тараққиётининг турли даврларида яшаган мутафаккирлар ахлоқий меъёрлар ҳодисаси ижтимоий борлиқ барқарор ҳаётлиги ва ривожланиш истиқболлини таъминлашда энг инсонпарвар омиллигини асослаб берганлар.

Адабиётларда ахлоқий маданият тушунчасида маданиятда эзгулик, ёвузлик, адолат, адолатсизлик ва ҳоказолар тўғрисидаги меъёрлар муҳрланади. Бу тасаввурлар, меъёрлар одамларнинг хатти-ҳаракатларини моҳиятини билдиради ва бошқаради, ижтимоий воқеаларни тавсифлайди. Индивид ахлоқий қарашлар ва қоидаларни ўзлаштиради экан, уларни ахлоқий фазилат ва эътиқодга айлантира боради.

Дарҳақиқат, инсонлар ўзаро муносабатларида қанчалик ахлоқ меъёрларига амал қилса табиатга ҳам шундай ахлоқий муносабатда бўлиши зарурият. Табиатга, атроф муҳитга ахлоқий муносабатда бўлиш, ҳар бир инсон ижтимоий ҳаёти ва фаолиятининг асосий тамойили, белгиловчи қойидаси бўлиши керак. Ахлоқий маданият таълим тарбия, кундалик ҳаёт кечириш, турмуш тарзи, ўзароалоқалар жараёнида шаклланади. Шунингдек, инсоннинг экологик маърифатидаги ахлоқийлик унинг табиатга муносабатида яққол кўриниб, табиат, жамият олдидаги бурч ва жавобгарликни жиддий масала қилиб қўяди. Бу табиатдан тўғри фойдаланишнинг муҳим ахлоқий омили, ҳар бир шахснинг экологик онги, ахлоқи ва маданияти шаклланишининг ҳамда яратувчилик фаолиятининг муҳим шартидир.

Инсоннинг экологик маънавий-ахлоқий масъулияти унинг атрофдаги табиий муҳитда қанчалик ахлоқий фаолият кўрсатяпти-ю қандай феъл - атворга асосланаяпти, у табиат умуммиллий ижтимоий бойлик эканлигини англайдими, ўзини табиатга бўлган муносабатини инсонийлик тамойиллари асосида бошқара оладими, деган масалаларга келиб тақаламиз.

Юқоридаги муаммоларнинг ечими инсонда экологик ахлоқий маданиятни шакллантириш мезони ҳисобланади. Инсон ўзининг катта имкониятларини англаганидан кейин табиат устидан ҳукмрон деб ҳисоблай бошлади. Атроф-муҳитнинг аёвсиз эксплуатацияси экологик инкирозга олиб келди.

Табиат антропоген зўриқишларни фақат маълум меъёр даражасида бартараф этишга қодир эканлигини одамлар сўнгги вақтдагина англай бошладилар. Бу меъёрнинг бузилиши биосферада кўпинча орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беришига сабаб



бўлади. Экологик тафаккур умумсайёравий миқёс касб этиши керак. Шу билан бирга у масаланинг экологик томони билан чекланмаслиги керак. [3. 17-41] Чунки соғлиқ ҳам инсонни, ҳам жамиятни яхлит бирликдаги физик, психик ва маънавий компонент сифатида бирлаштиради.

Инсонни табиатга муносабати йиртқичдан ҳимоя қилувчига айланиб бориб, барибир ҳалигача ҳукмронликлигича қоляпти. Шунга қарамай, табиатда ўзининг ривожланиш стратегияси мавжуд бўлиб, у тушунишга, муроса, ҳурматга лойик. Бўй сундириш даври табиатнинг ўз-ўзининг қадрини тан олиш билан биргаликдаги ривожланишига алмашилиши керак. Табиат реквизит эмас, балки ҳодисаларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисидир. Шунинг учун инсониятнинг янги стратегияси, табиат ва жамиятнинг коеволюсия ҳолатини таъминлашга қодир бўлган сивилизатсия ривожининг сифатининг янги йўллари зарур. Бу бутун инсоният тарихидаги фаннинг энг фундаментал муаммосидир.[2: 9]

Инсонтомонидан экстенсивхўжалик юритиш фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири қандай оқибатларга олиб келаётганлиги, нафақат бугунги кунда дунё океанлари ҳалокатли равишда ифлосланиб, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасайишида ёки тупроқ эрозияси, саноат мақсадларида ўрмонларнинг камайиб кетиши, биоресурслар қашшоқланиши, чучук сув манбалари камайиши, умумий сув ресурслари, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами емирилиши, коинотдаги ахлатлар кўпайиши ва ҳ.к., каби инсонни жисмоний жиҳатдан мавҳ этишга қаратилган жараёнларда, балки инсоннинг маънавий деградациясида, аниқроғи, унинг асосий иштироки орқали ҳам яққол намоён бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Глобал ахборот оқими жадаллашган бугунги кунимиздаги технократиянинг меъёридан ошганлиги, ахлоқий маданият заифлашиб ахлоқий фазилатларнинг қадрсизланиши, баъзи ҳолларда мазкур фазилатлар ўрнини иллатлар, ёвузликлар, тажовузлар эгаллаётганлиги инсоннинг ахлоқий фазилатлари узлуксиз шакллантириб борилишини тақозо қилмоқда.

Демак, экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишини юксак ахлоқли шахсни шакллантириш ташкил этади. Табиатга нисбатан юксак ахлоқий муносабатни шакллантириш, фақат мукамал маданиятли шахсни, унинг ахлоқий онгини, хулқ-атворини ва фаолиятини тарбиялаш орқалигина мумкин. Ахлоқий маданият инсоннинг табиий туғма хусусияти эмас, у тарбияланади, одатда унинг ривожланганлик даражаси ҳаммада бир хил бўлмайди.

Шахс экологик ахлоқий маданияти, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти давомида шаклланади, бу хусусият жамоада, ижтимоий гуруҳда, оилада, ўртоқлар даврасида вужудга келиб, ўзига хос микромуҳитни ташкил этади, унда объективлик ва субъективлик, моҳият ва моҳиятли бўлмаган, зарурий ва тасодифий омиллар бирлиги намоён бўлади. Ахлоқий маданият экологик маданиятни тобора мукамаллашиб боришини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 23 июнь № ПҚ-5080 Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 23 июнь.

2. Чориев С. Экологик сиёсат ва шахс баркамоллиги. // Экологический вестник. - 1999. - № 1-2. - С. 9.

3. Абдуллаев З. Экологические отношения и экологическое сознание. - С.17-41.



ХАЛҚ ИЖРОЧИЛАРИ-ЖИРОВЛАРНИНГ ИЖОД ЙЎЛЛАРИ

Базарбаева Гулжахан Муратбаевна,

Ўзбекистон Миллий университети

Фалсафа ва мантиқ кафедраси таянч докторанти

E-mail: guljahanbazarbaeva@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада халқ оғзаки ижод намуналари ҳисобланган дostonларнинг ижрочилари бўлган жировларнинг ижод йўллари ҳусусида сўз этилади. Шунингдек, жировларнинг ҳар бири ўз услубига, йўналишига, ижро этиш санъатига эга бўлиб уларнинг бир-бирларидан ажиралиб туриши ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: жиров, дoston, халқ ижоди, жировлар мактаби, шогирд

Халқ дostonларида акс этган ватанга содиқлик, ота-онани қадрлаш, меҳр-муҳаббат, ҳамжихатлик, қўшничилик, омонатни сақлаш ва унга ҳиёнат қилмаслик, дўстлик ва уни қадрлаш, тухмат ва нафс балосидан сақланиш каби инсонийлик фазилатларнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида аҳамияти катта. Зеро, халқ дostonларини ўрганиш орқали уларнинг онгида маънавий-ахлоқий тарбиянинг таянч тушунчалари, уларнинг бир-бирлари билан боғлиқлиги, юрт, Ватан, миллат бирлиги туйғуларининг мазмун-моҳияти ҳақидаги кўникмалари шаклланади. Шу сабабли, бизнинг келажакимиз бўлган ёшларнинг юксак маънавиятли инсон бўлиши учун халқ дostonларидаги эпик қаҳрамонлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, уларнинг амалга оширган ишлари ҳақида фикр юритиши ва дostonларда сўз этилган юксак эзгу ғояларни ўзлигига сингдириб ола билиши ва бу бўлса энг муҳим бўлган мустаҳкам эътиқодига айланишига эришмоғимиз зарур.

Қорақалпоқ халқ дostonларининг ижрочилари жиров-бахшилар бўлиб, улар ўз услубига, йўналишига, ижро этиш санъатига эга бўлиб улар бир-бирларидан ажиралиб туради. Биз қорақалпоқ халқ ижоди ҳисобланган дostonларнинг ижро этувчилари ҳисобланган жировларнинг айримларининг ижод йўллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Қорақалпоқ халқ поэзиясининг йирик вақлларида бири Қурбонбой жиров Тожибой ўғли (1876-1958-й.й.) бошқа жировларидан ўзига хос йўналиши, ижод йўли орқали ажралиб туради. У Тўрткўл туманида дунёга келган. Жировчилик санъатининг йирик вақллари саналган Холмурод, Жиёмурод, Нурабилла, Абдурасуўли жировларга шогирд тушиб улардан таълим олган. У дастлаб «Ширин ва Шакар», «Қаншайим» дostonларини халқ орасида ижро этиб юрган. Ўзининг ижоди давомида «Қирқ қиз», «Ер Зийўар», «Ер Қосай», «Замонда», «Буў заман», «Тўлеб мерган», «Жаҳанша», «Илимхан», «Қурбонбек» каби дostonларни ҳам ўрганиб ижро этиб келган.[1.104]

1930-йилдан бошлаб Тўрткўл шаҳридаги радиоэшиттириш комитетида, А.Ўтепов раҳбарлигидаги «Тонг нури» гуруҳида ишлай бошлаган. Гуруҳнинг концерт дастурларида жировчилик репертуаридан парчалар ижро этиб борган.

Қурбонбой жиров ўз касбини қаттиқ ҳурмат қилган ва кўп йиллар давомида дostonлар устида тинмай ишлаган. Ўзидан олдинги жировларнинг ижод йўлини, улар тарафидан ижро этган дostonларни эшитиб, моҳирона ижро этишга ҳаракат қилган. Қурбонбой жиров йиллар давомида ўз устида тинмай изланганлиги сабабли ҳам репертуарлари кенгайиб, олдинги қатор жировлар сафига қўшилган. Қорақалпоқ ва ўзбек дostonчилиги санъатини моҳирона ўзлаштирган. Дostonларга ўзига хос ёндошган ҳолда ижро этиб, ҳатто айрим эртақларни дostonларга айлантира олиш қобилиятига ҳам эга бўлган. Қурбонбой жиров қорақалпоқ дostonларининг ғоявий ва бадиий даражасини халқ орасида юқори даражага кўтаришга катта ҳисса қўшган.

«Қирқ қиз» дostonи қорақалпоқ халқининг энг яхши ижод намуналаридан бири. «Қирқ қиз» дostonининг бадиий ўзига хослиги, айниқса унинг бадиий тили ва тасвирлашда Қурбонбой жировнинг индивидуаллик, ижодий ўзига хосликларига эга эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Қурбонбой жиров халқ тилининг, халқ фантазиясининг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдалана олганлигини ва уларни реал турмушга боғлаб, ҳар қандай сўз этмоқчи бўлган ғоянинг замирида халқ манфаатларини ўзида жамлай олиши билан ажралиб туради. Ундан «Қирқ қиз» дostonини 1938-1944-йиллари Садирбой Маўленов, Шамшет Хожаниязов ва Асан Бегимовлар тўлиқ ёзиб олади ва биринчи марта қорақалпоқ тилида



1949-йили Нукус шаҳрида нашр этилади.[2.21]

Нуғойли даврини ўз ичига олган «Қурбонбек» достонини олиб қарасак, унда жиров мол-мулк, ҳокимият учун талашган хонлар, айниқса Нуғойли юртига ҳужум қилган Шейирхон, унга қарши курашган Қурбонбек ботир ҳақида сўз этади. Душмандан қурқмайдиган, юртнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашадиган қаҳрамонлар Қурбонбой жиров ижро этадиган достонларнинг бош қаҳрамонлари ҳисобланади.

«Алпомиш» достонининг Қурбонбой жировдан ёзиб олинган варианты ҳам катта аҳамиятга эга. Достонда сўз этиладиган кўп фактларни асосли этиб тасвирлаб бера олган. Достоннинг кўлёзма нусхаси А.Каримов тарафидан ёзиб олиниб, 14 минг қўшиқ каторидан иборат. У бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Илмлар Академияси, Қорақалпоғистон филиалининг кутубхонасидаги кўлёмалар фондида сақланмоқда.[2.16]

Қурбонбой жиров репертуарларининг ёзиб олинишида С.Маўленов, Ш.Хожаниязов, А.Бегимов, С.Бекназаров, М.Сейтниязов, Ў.Хожаниязов, А.Каримов, Г.Есемуратов, Ф.Султанова ва бошқаларнинг меҳнатлари жуда ҳам катта. Қурбонбой жировнинг намунали ҳаёт йўли, унинг қолдирган бой мероси, қорақалпоқ достончилигини бойитишдаги хизматлари беқиёс.

Есемурод жиров Нурабиллаев қорақалпоқ халқининг кўнглидан жой олган жировларидан саналади. У 1885-йили Қўнғирот туманидаги жировлар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан бошлаб жировчилик санъатига меҳр қуяди. Есемуроднинг жировчиликга лояқатини сезган отаси уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди. Есемурод жиров ўн олти ёшга тўлганидан кейин, ўн беш йил давомида ҳам отаси, ҳам устози Нурабилла жировдан жировчилик санъатининг соз ва сўз сир-асрорларини ўрганади. Кейинчалик отасидан фотиҳа олиб йирик эпик достонларни тўлиқ ижро эта бошлаган. Халқ Есемурод жировни «моҳир жировнинг авлоди», «Нурабилла жировнинг фарзанди келди», -деб эъзозлаган ва у тарафидан ижро этилган достонларни севиб тинглаган. 1938-йили Есемурод жиров Қорақалпоғистоннинг бадий ҳаваскорлар тўғарагининг биринчи Республика олимпиадасига қатнашиб, унда ғолибликни қўлга киритади. 1939-йилдан бошлаб Қўнғиротда очилган театрда ишлай бошлаган.[2.140] Театрда ўтказиладиган концерт дастурларида ўз ижод намуналаридан парчалар ижро этиб юрган. Сўнг ўз олдига гуруҳ ташкил қилиб, меҳнаткашлар жамиятини маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида хизмат кўрсатиб келган.

Есемурод жировнинг репертуари кенг бўлиб унга «Қублон», «Алпомиш», «Шаҳриёр», «Шора», «Едиге» каби достонлар, терма-тўлғовлар ва ўзи тарафидан ижро этилган қўшиқлар жой олган. Кўплаб қорақалпоқ жировларининг ижод йўлини ўрганар эканмиз, уларнинг репертуарларининг ичида ҳар бир жировнинг бутун борлиғи билан севиб ижро этадиган, ижро этиш маҳорати билан ажралиб турадиган бир достони бўлади ва мана шу достон жиров номини буткул халққа танитади. Қорақалпоқларнинг қадимий даврлардан буён бизгача этиб келган адабий мероси ҳисобланган «Қублон» достонининг Есемурод жиров тарафидан тўлиқ ва чиройли этиб ижро этилиши, унинг халқ кўнглидан жой олиб, танилишига сабаб бўлди.

Қурбонбой жиров ва Есемурод жировларнинг ижод йўллари ўрганар эканмиз бу даврга келиб жировчилик санъатидаги ўзгаришлар, янгиланишларнинг янги поғонага кўтарилганлигини англаймиз. Энди жировлар достонларни фақат тўй-томошаларда эмас балки, концерт дастурларида ҳам ижро эта бошлаганди. Қардош халқлар билан ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб борганлигини, бошқа элдаги жировлар билан устоз шогирд аънаваларининг тўғри йўлга қўйилганлигидан кўришимиз мумкин. Устоз шогирд асосида таҳсил олиб, бир-бирларидан янгидан янги достонларни ўрганиб, репертуарларини кенгайтириб боришган. Бу эса халқимиз орасига янги ижод намуналарининг кириб келишига ва халқ фольклорининг бойишига сабабчи бўлган. Жировларнинг маҳоратлари ортиб боргани сари эртақларни қайта ишлаш қобилиятига ҳам эга бўлиб, уларни достонга айлантира олганлар. Бу уларнинг моҳир жиров даражасига етганлигидан далолатдир.

Қорақалпоқ жировларининг энг йирик вакилларида бири Қиёс жиров. У ёшлигидан қўшиқ айтиб, соз чалишга қизиққан. Кейинчалик жировчиликга бўлган қизиқиши ортиб, устозлардан шу санъат сирларини ўргана бошлаган. Жировчилик санъатига бўлган меҳри сабабли Адбурасуўли жировга шогирд тушади ва ҳар дойим тўй-томошаларда бирга бўлиб, устозини тинглаб ижро маҳоратини ошириб борган. Дастлаб Чимбой, Кегайли атрофларида юриб, кичик тўй-томошаларда достонлардан парчалар, терма-тўлғовлар ижро



этган. Шунингдек, Нурабилла, Туримбет, Абдурасуўли, Ерполат, Бекмурод жировларнинг ижодларини тинглаб, улардан ўрганган.

1939-йили Есемурод жиров, Ўғиз жиров ва Қиёс жировлар Москва шаҳридаги Олимпиадага қатнашиб, ўз санъат намуналаридан парчалар ижро этиб келишган. 1956-йили Тошкент шаҳрида «Алпомиш» достонига бағишлаб ўтказилган тадбирга Москва, Озарбайжон, Қозоғистон, Арманистон ва бошқа юртлардан халқ оғзаки ижодини ўрганувчи олимлар ташриф буюришган. Тадбирда Қиёс жиров ўз репертуаридаги достонлардан парчалар ижро этиб, келган қатнашувчиларнинг ҳурмат ва эътиборига сазавор бўлди. 1960-йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган шарҳни ўрганувчи тадқиқотчи-олимларнинг умумжаҳон XXV конгрессига халқ оғзаки ижодининг ижрочиси сифатида қатнашиб, халқимизнинг бой маънавий мероси саналган достонларни миллий чолғу асбобимиз бўлган кубиз ёрдамида ижро этиб берган.[1.90]

Қиёс жиров ўзидан олдинги устоз жировларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида кўплаб ривоятлар, афсоналар билган ва улар ҳақида ҳар доим шогирдларига сўзлаб берган. Қиёс жиров репертуаридан «Алпомиш», «Маспошшо», «Шаҳриёр», «Қирқ қиз», «Бузуғлон», «Қурбонбек» каби достонлар жой олган ва қирққа яқин нағмаларни чалиб билган. Айниқса «Маспошшо» достоннинг Қиёс жиров варианты бадиийлиги жиҳатдан юқори даражада туради. Унда жировнинг маҳорати алоҳида кўринган. «Маспошшо» достонининг Қиёс жиров варианты 10 минг қатордан иборат.

Қиёс жиров ижоди мисолида давр руҳини ўрганар эканмиз, жировга араб имлосида таълим олганлиги катта ёрдам берганлигини кўришимиз мумкин. Яъни жиров дастлаб достонни ёзиб олиб, кунт билан ўқиб, кейин эса кубиз билан қайта-қайта ижро этган. Бу эса унинг тезирок ўзлаштиришига ва ўрганишига ёрдам берган. Ундан аввалги жировлар эса фақат хотираларига таянган ҳолда ёдда сақлаш орқали ўрганишган. Қиёс жировнинг достонларни, кубиз нағмаларини ёзиб бориши адабий, маъданий меросларимизни ўрганишимизга, ёзма шаклда сақланиб қолишига катта ёрдам берди. Демак, жамиятдаги саводхонликнинг ортиши маданиятнинг яна бир поғонага кўтарилганлигидан далолатдир.

Юқоридаги жировлар ҳаёт ва ижод йўллари таҳлил қилар эканмиз ҳар бир даврда ўзига хос янгилашнилар, ўзгаришлар, ривожланишлар бўлганлигини кўрамиз. Дастлаб жировлар фақат халқ достонларини ижро этиб келган бўлса кейинчалик ўз ижод намуналари бўлган шеърлар, поэмаларини яратган. Жировлар кўплаб достонларни ёд билган, ўзидан кейин кўплаб халқимиз дурдоналарини мерос сифатида қолдирган ва шогирдлар тарбиялаб чиқарган. Маҳоратли шогирдлар эса жировчилик мактабларига асос солган. Оддий халқнинг ёзувдан фойдаланиб саводхонлик даражасининг яхшиланиши натижасида эса достонларнинг қўлёзма формалари сақланиб, бизгача етиб келишига сабабчи бўлган. Илгарилари фақат тўй томошаларда, йиғинларда ижро этилиб келинаётган халқ достонлари эндиликда маданият масканлари саналган театрларда, концерт саҳналарида ижро этила бошланган. Кейинчалик бўлса халқимизнинг ўлмас дурдоналари дунё ареналарига кириб, жаҳон миқёсида танила бошлади. Албатда, жировчилик санъатидаги бу ўзгаришлар узоқ тарихий ривожланиш йўллари асрлар давомида босиб ўтиши орқали шаклланганлигидан, сайқаланганлигидан ва тобланганлигидан далолатдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Қ.Айымбетов. Халық даналығы. -Нөкис: Қарақалпақстан., 1988. 492 б.
2. Қ.Мақсетов. Дәстанлар, жыраўлар, бақсылар. –Нөкис:Қарақалпақстан, 1992. 348 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 2-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000